

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ИЖТИМОЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

подполковник Аҳмедов Фарход Сайдалиевич

*Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик
факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси*

+99893 1171133

+99899 8226327

майор Рахимов Шербек Камолович

*Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик
факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси*

+99899 798 59 70

***Аннотация:** Мазкур мақолада вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратсиз ва қаровисиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар, назоратсиз ва қаровисиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш улар билан якка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш ва маҳкумларларнинг ҳуқуқий ҳолатларининг асослари ҳамда таклифлар ёритилган.*

***Таянч сўзлар:** Вояга етмаган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган, назоратсиз, якка тартибдаги профилактика иши, қаровисиз, зайриижтимоий хатти-ҳаракат, маҳкум, минтақа, департамент.*

Ватанга ва халққа садоқат билан
хизмат қилиш - олий бурчимиздир.

Ш.М.Мирзиёев

Ички ишлар органлари аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида ички ишлар органларини жазоловчи, назорат қилувчи органдан халқ, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган тузилмага айлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар якуни бўйича жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март кунидаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кутариш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПФ 6196-сон Фармонида асосан, Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти этиб қайта ташкил этилди.

Ички ишлар органларининг барча тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал бўйсунувидан чиқарилиб, Жазони ижро этиш департаменти бўйсунувига ўтказилди.

Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Жазони ижро этиш департаменти тизимида 6 та минтақавий мувофиқлаштириш марказлари томонидан амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида қатъий интизом ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, маҳкумларни сақлаш ҳолати устидан назорат олиб бориш жараёнларини тулик автоматлаштириш, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар, шу жумладан уларнинг қариндошлари томонидан қонун билан тақиқланмаган буюмларни эркин бозор механизмларига асосланган электрон дуконлар орқали сотиб олиш имкониятини яратиш, маҳкумларни қайта тарбиялашнинг тактикасини тўғри белгилаш ва улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг барвақт олдини олиш мақсадида ҳар бир маҳкумнинг хулқ-атвори ва шахси ҳақидаги маълумотлар электрон базасини юритиш ва унинг асосида маҳкумларни тақсимлаш жараёнини тўлиқ рақамлаштиришга эришилмоқда.

Шу ўринда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратсиз ва қаровсиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш улар билан яқка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш ва уларни кийим-кечак, пойабзал ва ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш меъёрлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлатнинг зиммасига инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш вазифаси юклатилган. Ушбу вазифани бажаришда ички ишлар органлари муҳим ўрин тутди.

Ижтимоий тармоқларда Миллий гвардия инспектор-психологлари томонидан ўқувчиларнинг давомати билан бирга, ўқитувчиларнинг фаолияти ҳам назорат қилинаётганлиги ҳақида хабарлар тарқалмоқда. Ҳозирда, айрим экспертларнинг [фикрича](#), дарсга қатнашмаслик муаммо, лекин жиноят эмас.

Таъкидлаш керакки, бугун ота-она ёшидаги авлод мана шундай муҳокамалар билан жуда бандмиз. Лекин, ёшлар бизнинг муҳокамаларимиз якунини кутишаётгани йўқ. Улар жуда тез улғаймоқда.

Албатта, ижтимоий тармоқлардаги бундай фикрлар жозибадор, оммани ўзига қаратиши мумкин. Лекин, тўғри фикр эмас!

Барчамиз билишимиз зарурки, дарсга қатнашмаслик бугун жиноят эмасдир лекин, бу эртанги ишсизлик, эртанги миграция, эртанги маиший бузуқбозлик, эртанги экстремизм умуман олганда эртанги жиноятчилик учун потенциал омил ҳисобланади.

Бинобарин, ҳозир ҳам ахвол қониқарли эмас. Чунки, жорий йилнинг 5 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан таъкидланган рақамларга эътиборни қаратадиган бўлсак, 2023 йил давомида 3,5 минг жиноят айнан вояга етмаганлар томонидан содир этилган. Мазкур жиноят катнашчиларининг 2,280 нафарини эса мактаб ўқувчиларини ташкил [этади](#).

Шу ўринда диққатингизни ушбу рақамларга қаратмоқчиман. Ўтган йил якунларига кўра, 50 минг нафар **бола** мунтазам равишда мактабга [бормаган](#). Мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар эса, асосан кундузги соат 9-00 дан 15-00 лар оралиғига тўғри келган.

Сизнингча, манашундай мураккаб шароитда халқ иродасини ифода этувчи давлат томонидан нимадир қилиниши зарур эдими?

Албатта, бугунги кунда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун ўқувчи ёшлар диққатини интернетдан ажратиб олиш, уларни таълимга сидқидилдан ёндашишга ундаш учун катта куч, жиддий амалий ҳаракат зарур эди. Бугун ўша ҳаракат бошланди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан «энг оғир 1000 та мактабларда давоматни яхшилаш тажрибасини жорий этиш» бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди, бир сўз билан узоқни ўйланган қарор дейиш мумкин. Бинобарин, бугун таълимга қилинган ёрдам яқин келажак, нари борса 5 – 10 йилдан кейин юзага келиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга сабаб бўлади.

Таълим орқали ўз қаддини кўтарган кўплаб хориж мамлакатларда ҳам ўқувчиларни мактабга жалб этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни тизимли фаолият юритиши ўша халқ учун оддий хол (*масалан, Англияда ота-оналар фарзандини руҳсатсиз мактабдан олиб кетгани учун жаримага тортилиши, агар жарима 28 кун мобайнида тўланмаса жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Францияда эса, ўқувчи ойда тўрт марта дарс қолдирса 150 долларгача жарима, бу иш ота-она таъсирида амалга оширилса, ота-она 2 йиллик қамоқ ёки 33 минг доллардан ортиқ миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади*) кундалик ҳаётнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади.

Бугунги ижтимоий ҳаётимизда, айнан юқоридаги масала жамоатчиликнинг айрим вакиллари учун янги воқеалик сифатида туюлаётган бўлсада, муайян вақт ичида пухта ўйланган ушбу қарор ўз самарасини бериши натижасида халқимиз томонидан юксак қадрланиб, унинг моҳияти янада теранроқ англанишига ишонамиз!²

Вояга етмаганларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари.

Мустақиллик йилларида давлатимизда вояга етмаганларни тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Буларни биз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси ва “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунларимизда кўришимиз мумкин.

Ушбу қонунларда вояга етмаганлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ҳуқуқий ва

² Қаранг: *adolat 24.uz*

ижтимой жихатдан ҳимоя қилиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ўз манфаатларини амалга ошириш йўлларини эркин танлаб олишга кафолат бериш каби муносабатлар ўзининг ҳуқуқий асосларини топган.

Бугунги кунда ёшларимизни ҳар томонлама баркамол инсон бўлиши учун асосий қомусимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назаротидадир» деб белгилаб қўйилган бўлиб, вояга етмаганларнинг таълим олиш соҳасидаги ҳуқуқларини кафоотлайди. Таълим жараёни вояга етмаганни интеллектуал салоҳиятини, дунёқарашини ва билимини шакллантириб, унинг жамиятга фойда келтирувчи шахс сифатида шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Конституциянинг аксарият моддалари вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва манфаатлари билан боғлиқ, жумладан конституциямизнинг муқаддима қисмидан унга алоҳида урғу қаратилади, яъни, “ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда” деган иборанинг келтирилиши конституция бугунги кун нуқтаи назаридан балки келажак авлод, яъни вояга етмаганлар ёшлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда қабул қилинганлигини билдиради.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларга салбий таъсир кўрсатувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, ҳуқуқбузарликлар содир этган ва ижтимой ҳимояга муҳтож бўлган вояга етмаганларни ижтимой мослаштириш ва ижтимой реабилитация қилиш чораларини кўриш бу йўналишдаги муҳим вакифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимой-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сонли Қарорларининг қабул қилинганлиги вояга етмаганларни ҳар томонлама етук, комил инсон ва соғлом фарзандлар қилиб тарбиялашга қаратилган ишларни кенг кўламда амалга оширилаётганлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 2-боби Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари деб номланиб унда боланинг яшаш ҳуқуқи кафолатлари (9-модда), боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари (10-модда), боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатлари (11-модда), боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи кафолатлари (12-модда), боланинг оилавий муҳитга бўлган кафолатлари (13-модда), боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи кафолатлари (15-модда), боланинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатлари (16-модда), боланинг фикрлаш, сўз виждон ва эътиқод эркинлиги кафолатлари (17-модда), боланинг дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи кафолатлари, (21 модда), боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи кафолатлари (22-модда), боланинг билим олиш ҳуқуқи кафолатлари (23-модда)

шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида белгилаб қўйилган.³

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 81-86-моддаларида вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари кўрсатилган, жумладан 81-моддада жазо тизими сифатида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш белгиланиши мумкинлиги келтирилган ҳамда 82-85-моддаларида уларни ижроси белгилаб қўйилган. Демак мазкур кодекс ва унинг нормалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ташкил этишда алоҳида ўринни эгаллайди ва ушбу қоидаларга асосланиш шартлигини белгилайди.

Оила кодексининг 11-боби вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқига бағишланган бўлиб унда боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи(65-модда), боланинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи(66-модда), боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи (67-модда), боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи (68-модда), боланинг исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи (69-модда) шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида кўрилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини олдини олиш, улар ўртасидаги профилактик ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади ва асосий йўналишларини белгилаб беради.

Қонуннинг 3-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги асосий тушунчалари кўрсатиб ўтилган:

Вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда баргараф этишга қаратилган, яқка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган — вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлайётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила;

Назоратсиз — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга

³ Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ 139-сон Қонуни







етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган;

Якка тартибдаги профилактика иши — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият;

Қаровсиз — аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган;

Ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар — вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига куйидагилар киради:

-  вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар;
-  ички ишлар органлари;
-  таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
-  васийлик ва ҳомийлик органлари;
-  соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
-  бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари.

Юқорида кўрсатиб ўтилган орган ва муассасалар ваколати доирасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади ҳамда ушбу йўналишда ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 4342-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси жумладан, Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси Тошкент вилояти, Чиноз тумани, “Гулзоробод” маҳалласи манзилида, Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Бахт шаҳри “Тадбиркор” маҳалласи манзилида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 октябрдаги “Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 880-сонли Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-4342-сон [Қарори](#) ижросини таъминлаш мақсадида, Республика ўқув-тарбия муассасаларига 14 ёшга тўлган ва 18 ёшдан ошмаган вояга етмаганлар жойлаштирилади.

Республика ўқув-тарбия муассасаларига қуйидагилар қиради:

❖ ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўлиқ англаб етишга қодир бўлмаган;

❖ айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган бўлса;

❖ Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган вояга етмаганлар;

❖ яқка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган вояга етмаганлар суд қарори асосида жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2010 йил 26 ноябрь 269-сонли қарори асосида марказнинг мақоми ва асосий вазифалари белгиланган.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари.

Ҳозирги кунга келиб Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартиришлар жазони ўташ шароитларини анча яхшилаш, маҳкумларни муддатидан илгари озод бўлиш ҳуқуқини берадиган моддаларни кўпайтириш ҳамда жазони ўташ жойларида яшаш тартиби ва шароитларини сезиларли даражада енгилаштириш имконини яратди.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

✓ жиноий жазони, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш принциплари, тартиби ва шартларини;

✓ маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини;

✓ маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари ҳамда уларни қўллаш тартибини;

✓ маҳкумларни жазони ўташдан озод қилиш тартибини;

✓ жазони ижро этувчи муассаса ва органлар фаолияти тартибини;

✓ маҳкумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштирокини белгилайди.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси ва амал қилиши.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Жазони ижро этиш ва маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари амалда бўлган

қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқнинг жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлишга тааллуқли принциплари ва нормаларини инобатга олади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг нормалари маҳкумларни қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний ёки камситувчи муомала турларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зид бўлиши мумкин эмас.

Агар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади.

Жазони ижро этиш асоси

Жазони ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори, шунингдек амнистия ёки авф акти асос бўлади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг принциплари

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизм, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принципларига асосланади.

Маҳкумни ахлоқан тузатиш. Ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари

Маҳкумни ахлоқан тузатиш — унда қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришдан иборат.

Маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва ҳунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири киради.


Ахлоқан тузатиш воситалари жазо турини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, шунингдек маҳкумнинг шахси ва хулқ-атворини инобатга олган ҳолда қўлланилади.⁴

Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг асослари.

Маҳкумлар, ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

Маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари муайян жазо турини ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Маҳкумлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

 жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш;

*з LexUZ шарҳи
Жиноят ижроия Кодекснинг 1-7-моддалари.*

✚ жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш;

✚ ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш. Мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг иложи бўлмаган тақдирда жавоб Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида берилди. Жавобни интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс мурожаат этган тилга таржима қилиб бериш жазони ижро этувчи муассаса ёки орган томонидан таъминланади;

✚ тушунтириш бериш ҳамда ёзишмалар олиб бориш, зарур ҳолларда таржимоннинг хизматидан фойдаланиш;

✚ ўқув, бадий ва бошқа хил ахборот материалларидан фойдаланиш;

✚ соғлиғини сақлаш, шу жумладан тиббий хулосага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш;

✚ об-ҳаво шароити йўл қўйса, ишдан бўш вақтида тоза ҳавода жисмоний машқлар билан шуғулланиш;

✚ жазони ижро этиш муассасасининг психологик хизмат кўрсатиш ходимлари томонидан кўрсатиладиган психологик ёрдамни олиш. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиши фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади;

✚ меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлиш, дам олиш, таътилга чиқиш, шунингдек меҳнатига ҳақ тўланиши;⁵

✚ ижтимоий таъминот, шу жумладан қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия олиш.

Маҳкум ажнабий фуқаролар шунингдек ўз давлатларининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан, Ўзбекистон Республикасида дипломатия ва консуллик муассасалари бўлмаган мамлакатларнинг фуқаролари эса, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатия ваколатхоналари билан алоқа қилиб туриш ҳуқуқига эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, келгусида жазо муддатини ўтаётган тарбияланувчилар билан амалга оширилиши лозим бўлган қуйидагилар **таклиф этилади:**

биринчидан, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи “Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши” ННТ билан **ҳамкорлик меморандуми** имзолаган ҳолда жазо муддатини ўтаётган ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, глобал тармоқдан фойдаланиш маданиятини ўргатиш каби тизимли ишларни йўлга қўйиш.

иккинчидан, Замонавий рақамли технологияларни жорий қилиш орқали тарбияланувчилар устидан **назоратни амалга оширишдаги инсон омилини**

⁵ 9-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги ЎРҚ-530-сонли Қонунига асосан саккизинчи — унинчи хатбошилар билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон)

камайгириш.

учинчидан, Колонияда “Темурбеклар мактаби” лицейи кийими ва кун тартибини ўрнатиш орқали тарбияланувчиларни ҳарбий интизомга ўргатиш.

тўртинчидан, Озод этилган тарбияланувчилар устидан назорат узлуксизлигини таъминлаш мақсадида **16-18 ёшгача** бўлганларни “Темурбеклар” мактабига, **18 ёшдан** юқори ёшдагиларни **олий таълим муассасасига ёки** муддатли ҳарбий хизматга юбориш тартибини жорий этиш.

бешинчидан, Жазодан озод этилганлар, айниқса **носоғлом оила фарзандларини** ҳудудий Ички ишлар бошқармалари бошлиқларига оталиққа бириктириш.

олтинчидан, оғир ва **унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган** тарбияланувчиларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини ўрганиб, тўғри тузалиш йўлига ўтган ва **ижобий тавсифланган тарбияланувчиларни авфномаларини** тегишли манзили бўйича юбориш.

еттинчидан, Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) ҳузурида Жазони ижро этиш департаменти масъул ходимлари, махсус прокурор, туман суди раиси, колония бошлиғи, Ёшлар иттифоқининг минтақавий раҳбаридан иборат доимий ҳаракатдаги **ишчи Комиссия тузиш.** Комиссия **ҳар чорақда** жазо муддатини ўташ учун келган ёшларни шахсий ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, содир этган жиноятдан амалда пушаймон тарбияланувчиларни аниқлаб, уларни авф этиш бўйича Президент Администрациясига таклифлар киритиб бориш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР ВА НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., 2023 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон Қонуни;
5. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида”ги 490-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 4342-сонли Қарори.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

1. [http:// akadmvd.uz](http://akadmvd.uz) (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси)
2. [http:// lex.uz](http://lex.uz) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
3. [http:// www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) (Ахборот таълим тармоғи)
4. [http:// www.connect.uz](http://www.connect.uz) (Ўзбекистон умумтаълим портали)
5. [http:// uzsci.net](http://uzsci.net) (Илмий таълим тармоғи)
6. [http:// www.nuu.uz](http://www.nuu.uz) (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий Университети)
7. [http:// www.tsul.uz](http://www.tsul.uz) (Тошкент Давлат Юридик Университети)